Хуршида Раҳмонова

# ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД насри бадиияти

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИИ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУРШИДА РАҲМОНОВА

# ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД НАСРИ БАДИИЯТИ

**(Адиб қисса ва ҳикоялари мисолида)**

*Монография*

«Poytaxt exclusive» нашриёти
Тошкент – 2021

УЎК 821.512.133.09-3
Р 28
КБК 83.3(5Ў)
Р 28

*Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат бек тили ва адабиёти университети Илмий-техникавий кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган (2021 йил 29 ноябр, 8-сонли мажлис баённомаси)*

**Масъул муҳаррир:**
***Баҳодир КАРИМОВ*** *– филология фанлари доктори, профессор*

**Тақризчилар:**
***Умида РАСУЛОВА*** *– филолгия фанлари доктори, доцент*
***Олим УСМОНОВ*** *– филология фанлари номзоди, доцент*

**Хуршида Раҳмонова**
Хуршид Дўстмуҳаммад насри бадиияти. /Адиб қисса ва ҳикоялари мисолида. – Тошкент: «Poytaxt exclusive» нашриёт. 2021 йил. 164 б.

Ушбу монографияда замонавий ўзбек адабиёти намояндаларидан бири Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ҳикоя ва қиссаларида образ ва психологик тасвир, рамз ва тимсолларнинг поэтик ифодаси хусусида сўз юритилган. Шунингдек, тадқиқотда адиб ижодининг бадиий хусусиятлари, унинг ўзига хос услубий янгиланишлари, ёзувчининг ҳикоя ва қиссаларидаги тарихий шахс образи ҳамда глобаллашаётган даврда замондош инсон қиёфаси гавдалантирилиши, муаллиф асарларида психологик тасвир воситаларининг акс этиши, ижодкорнинг халқ оғзаки ижодидаги образлар ва фольклор мотивларидан ижодий таъсирлангани ҳамда ёзувчи услубининг ўзбек адабиётидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилинган.

Монография филолог талабалар, магистрантлар, тадқиқотчилар ва умуман, адабиёт ихлосмандларига мўлжалланган.

© Х. Раҳмонова, 2021
© «Poytaxt exclusive» neşirýaty, 2021

ISBN 978-9943-7815-3-5

# КИРИШ

Бадиий адабиёт замирида, туб моҳиятида инсон, уни билиш, англаш, тушуниш масаласи ётади. Адабиёт ҳамиша инсоннинг маънавий-маърифий, ижтимоий тараққиётига, юксалишига хизмат қилган. Негаки, одамзотнинг онгу шууридаги, фикридаги ўзгаришлар, янгиликлар қалбидаги муросасиз кечинмалар бадиий асарларда ўз аксини топади. Бу ҳол, айниқса, ҳозирги замон адабиётида яққол кўзга ташланмоқда.

Ҳозирги замон адабиёти мавзу нуқтаи назаридан ҳам, ундаги образлар табиати, тасвир тамойиллари, рамз ва тимсолларнинг ифодаси, муаллифнинг бадиий ғояси жиҳатдан ҳам ранг-баранг бўлган адабий-эстетик ҳодисадир. Бу давр адабиётининг ўзига хосликлари шундаки, бадиий матн замиридаги маъно зоҳирда эмас, ботинда намоён бўлаётир. Бу эса, китобхондан маълум бир зукколикни, адабий тайёргарликни, мулоҳазакорликни талаб қилмоқда.

Инсониятнинг тафаккури, руҳиятидаги янгиланишлар адабиётда ўз аксини топар экан, ёзувчи бадиий маҳоратини, унинг ҳаёт воқелигини тасвирлаш услубини, бадиий асарда образлар моҳиятининг ёритилишини ўрганиш инсоннинг маънавий олами, дунёқараши, тафаккур тарзига хос хусусиятларни англашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис адабиётшунослик фани ҳам мунтазам ўз объектига янгича назар билан қараш, насрий асарлар поэтикасига оид муаммоларни чуқурроқ англаш йўлидан боради.

Истиқлол йилларида адабиётшунослигимизнинг илмий-назарий мезонлари асосида замонавий адабий жараёнда ўз мавқеига эга ижодкорлар асарларини теран тадқиқ этиш, бадиий асар поэтикаси муаммолари билан боғлиқ қараш-